

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ХОЛМИРЗАЕВА ЗУЛФИЗАРХОН БАХОДИРЖОНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ГИЛОСНИНГ АСОСИЙ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР СОНИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Холмирзаева Зулфизархон Баходиржоновна Фарғона водийси шароитида гилоснинг асосий зараркундаларини ўрганиш ва улар сонини бошқаришнинг илмий асослари.....	3
Холмирзаева Зулфизархон Баходиржоновна Изучение основных вредителей черешни в условиях Ферганской долины и научные основы управления их численностью.....	21
Холмирзаева Зулфизархон Баходиржоновна The study of the main pests of sweet cherry in the conditions of the Ferghana Valley and the scientific basis for managing their numbers.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publication works.....	43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

ХОЛМИРЗАЕВА ЗУЛФИЗАРХОН БАХОДИРЖОНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ГИЛОСНИНГ АСОСИЙ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР СОНИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – «Ўсимликларни химоя қилиш»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx678 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.andqhai.uz;) ва «ziyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Туфлиев Нодирбек Хушвактович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич
қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди, катта илмий ходим

Шукуров Хушвақт Мамасолиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим


Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «14» 10, соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99874) 373-10-54; Факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: agai-info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№6292/1 - рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2023 йил « 28 » 09 куни таркатилди.
(2023 йил « 28 » 09 27 рақамли реестр баённомаси)


А.Исаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


А.Н.Жўраев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор


К.С.Комилов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., профессор



КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияни аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Дунё бўйича гилос етиштириш ва уни зарарли организмлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Инсон саломатлиги учун фойдали бўлган гилос жаҳонда 65 та мамлакатда экилиб, ҳар йили умумий ҳисобда ўртача 9 млн тонна гилос етиштирилади. Биргина Туркияда йилига ўртача 800 – 915 минг тонна, Қўшма Штатлар йилига ўртача 448 минг тонна, Россия ва Эрон гилос етиштириш бўйича дунёда ҳар йили ўртача 273 ва 250 минг тоннадан гилос етиштиради”¹. “Ўзбекистон бу соҳада 5-ўринни эгаллаб, ФАО маълумотиغا кўра ҳар йили ўртача 218 минг тонна гилос етиштириб келмоқда”². Ҳозирда гилос етиштириладиган мамлакатларда гилос зараркунандаларига қарши кураш чораларини такомиллаштириш ва инсон ҳамда атроф-муҳит учун кам зарарли бўлган кураш тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Дунёнинг гилос етиштириш бўйича етакчи мамлакатларида гилос ҳосилига бир неча турдаги зараркунандалар салбий таъсир кўрсатиб, гилос мевасининг мазаси, экспортбоплиги, сақланиш муддатларининг қисқаришига ҳамда катта иктисодий зарар етишига олиб келмоқда. Гилос агробиоценозида учрайдиган энг хавфли зараркунандалардан гилос пашшаси, олча шиллик арракаши, кулранг куртак узунбуруни, олча филчаси каби бир қанча зараркунандалар кенг миқёсда зарар келтираётган бўлиб, уларга қарши курашнинг мақбул муддати ва меъёрларини белгилашга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада дунё стандартларига мос, рақобатбардош гилос меваларини етиштириш ҳамда сифатини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5009 сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда республикадаги мавжуд боғларда минтақамиз шароитидан келиб чиққан ҳолда зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ – 5185 – сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 311 – сон қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян

¹ <https://www.mdpi.com/2073-4395/12/9/1986>

² <https://www.fao.org/faostat/en/#data/QCL>

даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АҚШ, Канада, Чили, Австралия, Украина, Россия, Туркия, Эрон ва бошқа Осиё мамлакатларида гилос зараркунанда ва касалликлари чуқур ўрганилган. Дунёнинг турли минтақалари шароитида гилос зараркунандаларининг тур таркиби, тарқалиши, ривожланиши, биоэкологик хусусиятлари, зарари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Н.В. Бондаренко, В.П.Васильев, И.З.Лившиц, R.Aslandaş, С.Екен, R.Nayat, S.G.Bado, A.N.Hughes, E.H.Beers, J.F.Brunner, J.J.Lipa, K.R.Carl, R.L.Webstar, Annette Herz, H.Thiem, С.Daniel, E.Wyss ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Республикамизда данак ва уруғ мевали боғларда учрайдиган касалликлар, зараркунандалар бўйича бир қанча олимларимиз томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, Фарғона водийси шароитида айнан гилос боғларида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркибини аниқлаш, доминант турларни белгилаш, уларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда улар сонини бошқаришнинг илмий асослари бўйича тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг “Мевали боғ экинлари зарарли организмларига қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона водийси шароитида гилоснинг асосий зараркунандаларини ўрганиш, доминант турларини белгилаш, уларнинг тарқалиши, зарари, ривожланиш хусусиятларини ўрганиб, микробиологик ҳамда кимёвий препаратларни қўллаган ҳолда юқори самарали кураш усул ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Фарғона водийси шароитида гилоснинг зараркунандалари ва уларнинг тур таркибини аниқлаш;
- гилос зараркунандаларининг асосий доминант турларини белгилаш;
- гилоснинг асосий зараркунандаларининг биологияси ва экологиясини ўрганиш;
- гилос пашшасига қарши турли феромон тутқичлар мониторинги;
- гилоснинг асосий зараркунандаларининг ривожланиш фенологиясини тузиш;
- гилос агробιοценозидаги зараркунандаларнинг табиий энтомофаглари

ва уларнинг учраш даражасини ўрганиш;

- гилос зараркунандаларига қарши микробиологик воситалардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

- гилоснинг асосий зараркунандаларига қарши кимёвий воситаларни қўллаш регламентларини белгилаш;

- гилос зараркунандаларига қарши қўлланилган воситаларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийси шароити, гилоснинг Воловья сердца нави, гилоснинг ер устки қисми сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалари, уларнинг табиий энтомофаглари, микробиологик ва кимёвий препаратлар.

Тадқиқотнинг предмети гилос ўсимлиги зараркунандаларининг тарқалиши, зарари, ривожланиш хусусиятларини ўрганиш. Уларни мониторинг қилишда феромон тутқичлардан фойдаланиш, микробиологик ҳамда кимёвий препаратларни қўллаш регламентларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалиги энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усуллар ёрдамида бажарилди. Гилосда учрайдиган зараркунанда ва энтомофагларнинг турлари Г.Я.Бей-Биенко ва Б.В.Добровольский аниқлагичлари ёрдамида, агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев услуби асосида, кимёвий ва микробиологик воситаларнинг биологик самарадорлиги Ш.Т.Хўжаев ва W.S.Abbot услублари асосида ҳамда иқтисодий самарадорликни аниқлашда Н.Р.Гончаров усулларида фойдаланилди. Тажрибалардан олинган натижалар Б.А.Доспехов услуби бўйича математик – статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- илк бор Фарғона водийси шароитида гилоснинг асосий 2 та синф, 7 та туркум, 17 та оилага мансуб 22 та зараркунанда турлари аниқланган ва улар орасидан доминант турлар белгиланган ҳамда доминант турларининг ривожланиш хусусиятлари ўрганилган;

- олча шиллик арракашининг Фарғона водийси шароитида ривожланиш фенологияси ўрганилиб, иқлим шароитларига қараб 2 – 3 авлод бериши, шунингдек олча шиллик арракаши имаголарини тупроқдан чиқиш муддатлари тупроқ намлигига бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган;

- гилос боғларида учрайдиган 2 та синф, 7 та туркум, 48 тур энтомофаглари учраши аниқланган. Гилос пашшасининг фенологик ривожланишини ўрганиш мақсадида 3 хил вариантдаги озуқавий ва 1 вариантдаги жинсий феромон тутқичларнинг самарасини баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижасида ушбу тутқичларнинг ҳеч бири ўзини оқламаслиги қайд этилган;

- гилос зараркунандаларига қарши Нурелл Экстра, 55% эм.к. препарати билан мева пишишидан 18 – 20 кун олдин ишлов берилганда меванинг таркибида пестицид қолдиқ миқдори парчаланиб кетиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси шароитида гилоснинг асосий зараркунандалари тур таркиби ўрганилган бўлиб, гилос агробиоценозида 2 та синф, 7 туркум, 17 оилага мансуб 22 турдаги зараркунанда аниқланган. Улар ичида зарар

келтириш даражаси юқори бўлган Олча шиллик арракаши (*Caliroa cerasi* L.), Кулранг куртак узунбуруни (*Sciaphobus squalidus* Gyll.), оддий ўргамчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.)лар доминант турлар деб белгиланган ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ўрганилган. Шунингдек, Кулранг куртак узунбуруни Фарғона водийси шароитида илк бор боғлардаги зараркунанда сифатида қайд этилган.

Олча шиллик арракаши имаголарини тупроқдан чиқиш муддатлари тупроқ намлигига бевосита боғлиқ эканлиги ўрганилган. Фарғона водийси шароитида олча шиллик арракашининг ривожланиш фенологияси ўрганилганда иклим шароитларига қараб 2 – 3 авлод бериши аниқланган. Гилос пашшасининг фенологик ривожланишини ўрганиш бўйича 3 хил вариантдаги озуқавий ҳамда 1 та вариантдаги жинсий феромон тутқичлардан фойдаланиб тадқиқотлар олиб борилганда тутқичларга 2 турдаги зараркунанда, 4 турдаги энтомофаглар тушган. Вариантларнинг ҳеч бирида гилос пашшасининг имаголари аниқланмаган. Шунингдек, гилос агробиоценозидаги мавжуд энтомофаглар ўрганилганда 2 та синф, 7 туркумга мансуб 48 турдаги энтомофаглар аниқланган.

Гилос зараркунандалари, жумладан, олча шиллик арракашига қарши Helitec микробиологик препаратининг дала шароитида самарадорлиги ўртача 80,1 – 85,0% ни ташкил этган. Гилос зараркунандаларига қарши турли кимёвий гуруҳларга мансуб Escape 20% н.кук., Нурелл Экстра, Карат Голд, Днокс, Нурелл Голд препаратлари билан ишлов берилган вариантларда дала шароитида ўртача 94,1 – 99,8% гача биологик самарадорликка эришилган. Апроклеим Голд препаратининг самарадорлиги 69,2 – 76,8% ни қайд этган.

Гилос зараркунандаларига қарши микробиологик ва кимёвий, инсектицидларнинг қўллаш регламентларини белгилаш бўйича олиб борилган тажриба натижаларига кўра: Helitec (0,5 л/га) – 50,55 ц/га, Escape 20% н.кук. (0,3 кг/га) – 56,3 ц/га, Нурелл Экстра, 55% эмк. (0,7–1,0 л/га) – 57,3 ц/га, Карат Голд, 5% эм.к. (0,6 л/га) – 53,8 ц/га, Днокс, 40% н.кук. (0,4 кг/га) – 52,6 ц/га ва Нурелл Голд 55% эм.к. (1,0 л/га) – 55,2 ц/га ҳосилдорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория, кичик ва катта дала тажрибалари услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг Республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда чоп этилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида учровчи зараркунандаларнинг тур таркиби, доминант турлари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, кўпайиш сабаблари ва зарар келтириш даражасидан келиб чиқиб, зарарланишнинг олдини олиш, фаол ҳимоялаш, дала шароитида кураш тизими яратилган, иқтисодий зарар миқдор мезонлари аниқланганлиги, зараркунандаларга қарши микробиологик ва кимёвий кураш чораларини, препаратларни қўллаш регламентларини белгилашга

биологик ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсири илмий асосланган.

Гилос зараркунандаларига қарши Helitec, Escape 20% н.кук., Нурелл Экстра, 55% эм.к., Карат Голд, 5% эм.к., Днокс, 40% н.кук. ва Нурелл Голд 55% эм.к. препаратлари қўлланилганда назоратга нисбатан юқори ҳосил сақлаб қолинганлиги амалий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси шароитида гилоснинг асосий зараркунандаларини ўрганиш ва улар сонини бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

гилос етиштиришга ихтисослашган боғдорчилик хўжаликлари ва кластерлар учун “Олча шиллиқ арракаши – (*Caliroa cerasi* L.) унинг ривожланиш хусусиятлари, зарари, ҳисобга олиш усуллари ва унга қарши кураш чоралари” номли услубий қўлланма ҳамда “Гилос зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш чоралари” номли тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 22-июндаги 05/05/3069 – сон маълумотномаси). Натижада гилос етиштиришга ихтисослашган боғдорчилик хўжаликлари ва кластерлари гилосдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мазкур қўлланмадан муайян даражада фойдаланмоқда;

гилос зараркунандаларига қарши Helitec (0,5 л/га) микробиологик препаратини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган регламент Андижон вилоятининг Избоскан, Пахтабод, Хўжабод ва Булоқбоши туманларини боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 49,2 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 22-июндаги 05/05/3069 – сон маълумотномаси). Натижада ушбу микробиологик препаратни қўллаш ҳисобига назорат вариантыга нисбатан бир гектар майдондан 5,55 центнергача ҳосил сақлаб қолинган. Микробиологик препаратнинг биологик самарадорлиги 80,1 – 85,0 % ни ташкил этган;

гилосда учрайдиган асосий зараркунандаларга қарши Нурелл экстра, 55% эм.к. (0,7 – 0,8 – 1,0 л/га) ва Нурелл Голд 55% эм.к. (1,0 л/га) Escape 20% н.кук. (0,3 кг/га), Карат Голд, 5% эм.к. (0,6 л/га), Днокс, 40% н.кук. (0,4 кг/га) препаратларини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган регламент Фарғона вилояти, Қува тумани “Юсупов Турсунбой Хатамович” фермер хўжалигида 9 гектар ҳамда Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани “Усмонов Абдурасул Абдулҳафизович” фермер хўжалигида 4,5 гектар майдонлар жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 22 июндаги 05/05/3069 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар гилос боғидан 7,50 – 12,20 центнергача ҳосил сақлаб қолинган ва препаратларнинг биологик самарадорлиги 94,1% дан 99,8% гачани ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар 4 та, жумладан, 2 та Халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 2 та Республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та услубий кўлланма ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот усуллари ва услублари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари юзасидан нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **«Гилос зараркунандаларининг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши уйғунлашган кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан хорижий ва маҳаллий шароитларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шарҳланган.

Шунингдек, гилос зараркунандаларининг ўрганилганлик даражаси, тарқалиши, зарари, зараркунандаларнинг турлари, систематикаси ва биологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари юзасидан маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида Фарғона водийси вилоятларидаги тадқиқот олиб борилган худудларининг тупроқ, иқлим шароитлари тавсифи келтирилган.

2020 – 2022 – йиллар давомида ўтказилган тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида қўлланиладиган усул ва услублар ёрдамида бажарилган. Тадқиқотлар Андижон вилоятининг Избоскан, Пахтабод, Қўрғонтепа, Булоқбоши, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Фарғона вилоятининг Қува туманларидаги боғдорчилик ҳамда аҳоли томорқа хўжаликларида ўтказилган.

Гилос зараркунандалари ва энтомофагаларининг тур таркибини аниқлаш Г.Я.Бей-Биенко (Определитель насекомых Европейской части в II – V том), Плавильщиков Н.Н. (Определитель насекомых.) аниқлагичлари ёрдамида замонавий микроскопларда, зараркунандаларни кузатиш ва ҳисобга олиш В.Ф.Палий (Методика изучения фауны и фенологии насекомых.) услуги бўйича, ўсимликларни шикастланиши ва зарарланиши ҳамда зараркунанда


зарарини баҳолаш В.Ф.Палий (Методика изучения фауны и фенологии насекомых.) услуби асосида, зараркунанда келтирган зарари бўйича намуналар йиғиш ва сақлаш, кузатув натижаларини ёзиб бориш Б.В.Добровольский (Фенология насекомых.) услуби бўйича, агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев (Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар) бўйича, кимёвий ва микробиологик воситаларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев, W.S.Abbot (A method of computing the effectiveness of an insecticide) услубларидан фойдаланилган. Тажрибалардан олинган натижалар Б.А.Доспехов (Методика полевого опыта.) услуби бўйича MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган. Иқтисодий самарадорлик Ш.Т.Хўжаев, Н.Р.Гончаров услублари асосида ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси шароитида гилос зараркунандалари мониторинги**» деб номланган учинчи бобида Фарғона водийси вилоятлари шароитида гилос зараркунандаларининг тарқалиши, тур таркибларини аниқлаш, доминант турларини белгилаш, асосий зараркунандаларнинг биологияси ва экологиясини ўрганиш, гилос пашшасига қарши турли феромон тутқичларнинг мониторинги, гилоснинг асосий зараркунандаларининг ривожланиш фенологиясини тузиш бўйича олинган тадқиқот натижалари келтирилган. Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркибини ўрганиш учун 2020 – 2022 йиллар Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларининг гилос етиштириладиган боғдорчилик ҳамда аҳоли томорқа хўжаликларида зараркунандалар сонини аниқлаш ва уларнинг намуналарини йиғиш йўналишли-кузатув усуллари асосида баҳор, ёз ва куз ойларида олиб борилган.

Фарғона водийси шароитида гилос агробиоценозида 2 синф, 7 туркум ва 17 оилага мансуб 22 турдаги зараркунандалар учраши аниқланган. Улардан Ўргамчаксимонлар (*Arachnoidea*) синфи, Каналар (*Acariphormes*) туркумининг ўргимчакканалар (*Tetranychidae*) оиласига мансуб 3 тур, шунингдек, Ҳашаротлар (*Insecta*) синфига оид 6 та туркум, жумладан, Тенг қанотлилар (*Homoptera*) туркумининг 3 оилага мансуб 3 турдаги зараркунанда, Пардақанотлилар (*Hymenoptera*) туркумининг 1 оилага мансуб 1 турдаги зараркунанда, Ярим қаттиқ қанотлилар ёки қандалалар (*Hemiptera*) туркумининг 2 оилага мансуб 2 турдаги зараркунандалар тарқалганлиги аниқланган.

Шунингдек, Қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) туркуми гилос агробиоценозида энг кенг тарқалган туркум ҳисобланиб, 5 оилага мансуб 8 турдаги зараркунанда, Икки қанотлилар ёки пашшалар (*Diptera*) туркумининг 1 оилага мансуб 1 турдаги зараркунанда, Тангачақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумининг 3 оилага мансуб 4 турдаги зараркунандаларнинг учраши қайд этилган (1-расм).


Ўтказилган тадқиқотлар натижасида гилоснинг ер устки қисмида ҳашаротлар (*Insecta*) синфи Пардақанотлилар (*Hymenoptera*) туркуми, Ҳақиқий арракашлар (*Tenthredinidae*) оиласига мансуб 1 турдаги зараркунанда



1-расм. Фарғона водийси шароитида гилос зараркунандаларининг тур таркиби.
(Фарғона водийси вилоятлари, 2020-2022 йй.).

олча шиллиқ арракаши (*Caliroa cerasi* L.), Қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) туркуми, Узунбурунлар (*Curculionidae*) оиласига мансуб Кулранг курттак узунбуруни (*Sciaphobus squalidus* Gyll.), Ўргамчаксимонлар (*Arachnoidea*) синфи, Каналар (*Acariphormes*) туркумининг ўргимчакканалар (*Tetranychidae*) оиласига мансуб оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.)лар Фарғона водийси вилоятларининг деярли барча гилос боғларида учраш даражаси ҳамда зарари юқори деб баҳоланиб, доминант зараркунанда тур сифатида қайд этилган (2 – расмга қаранг).

Икки қанотлилар ёки пашшалар (*Diptera*) туркумининг Олачипорлар (*Tephritidae*) оиласига мансуб хавфли карантин зараркунанда тур ҳисобланган Гилос пашшаси (*Rhagoletis cerasi* L.)нинг зарари Фарғона водийсининг Водил, Хўжаобод, Булоқбоши, Қўрғонтепа каби чегара ҳудудларида тарқалганлиги қайд этилган.



3 - жуда кўп учрайди, 2 - ўртача учрайди, 1 - кам учрайди.

2-расм. Фарғона водийси шароитида гилос зараркунандаларининг учраши, доминант турларининг зарарлаш даражаси (Фарғона водийси вилоятлари, 2020 – 2022 йй.).

Фарғона водийсидаги деярли барча боғларда кулранг курттак узунбуруни ҳамда олча шиллиқ арракашининг зарари юқори бўлганлиги кузатилди. Уларнинг зарари натижасида фотосинтез жараёни 80 % гача пасайганлиги, бунинг

натижасида ҳосилнинг сифати нафақат шу йилда, балки келгуси йилда ҳам пасайганлиги кузатилди. Мева таркибидаги қанд миқдори 2 баробарга камайганлиги ҳисобига меванинг сақланиш муддати қисқаришига олиб келиши ўрганилди.

Олча шиллиқ арракашининг қишлоvdан чиқиш муддатларини ўрганиш мақсадида 10 та гилос дарахтининг шохлари остида 1 квадрат метр майдонга эга жойга доқа билан қопланган ёғоч садоклар 10 – 12 см баландликда, четлари ерга чуқур киргизилган ҳолда ўрнатилган. Садоклар март ойининг 25 санасида ўрнатилган ва 1 июн санасигача бўлган давр мобайнида ҳар куни кўздан кечирилиб, улардаги етук урғочи ҳашаротлар йиғилиб, сони ҳисобланиб борилган.

2020 – 2022 – йилларда тупроқдан арракашнинг дастлабки етук зотларини пайдо бўлиш муддати 20-апрель санасидан пайдо бўлган бўлиб, имаголар сони аста-секин ўсиб борган ва апрел ойининг охири май ойининг бошларида максимал даражага етган. 4-майдан бошлаб имаголарнинг тупроқдан чиқиши аста-секин камайган ва 7-майда бутунлай тўхтаган. Тупроқдан имаголарнинг пайдо бўлиш даври тахминан 14 – 17 кун давом этган.

Тупроқдан арракаш имаголарининг чиқиш динамикасининг об-ҳаво шароити, суғориш муддатлари билан солиштирилганда, ёғингарчиликлар ҳамда боғ майдонини суғориш натижасида тупроқдан имаголарнинг чиқиш жараёнини кучайтираётганини кўриш мумкин. Тадқиқот натижасида шу нарса аён бўлдики, ёмғирдан ҳамда боғ майдони суғорилгандан кейинги кунларда қафасда ушланган имаголар сони жуда кўпайганлиги қайд этилган.

2020-йил Пахтаобод тумани Хожи Абдулхай боғдорчилик хўжалигида арракашнинг дастлабки личинкалари 28-апрелда пайдо бўлган бўлиб, бу санагача боғ 4 марта суғорилган. Избоскан туманида жойлашган боғдорчилик хўжалигида арракашнинг дастлабки личинкалари 5-майда пайдо бўлган бўлиб, бу муддатгача боғда 2 марта суғориш ишлари олиб борилган. 2021 – 2022-йилги тадқиқотларда эса Пахтаобод ҳамда Избоскан туманларидаги гилос боғлари бир хил муддатларда ҳамда бир хил миқдорда суғориш ишлари олиб борилганда зараркунанданинг личинкалари ҳам бир хил муддатларда пайдо бўлган.

Шунингдек, кузатишлар натижасида яна бир қизиқ маълумот қайд этилганки, Олча шиллиқ арракаши личинкалари дастлаб, май ойининг биринчи декадасида гилоснинг ҳосили ҳали пишмаган ўрта пишар “Воловье сердца” навини зарарлаганлиги, кейинчалик эса зараркунандаларнинг личинкалари пишиб ҳосили териб олинган “Майский” навида зарар келтирганлиги аниқланган. Бундан шундай хулосага келинганки, гилос меваси ранг олишни бошлаганда турли кушлар ҳамда кушандаларни ўзига жалб қилган. Олча шиллиқ арракашининг имагоси авлодини ҳамда ўзини ҳимоя қилиш мақсадида табиий кушандалардан ҳоли кўчатларга тухум қўйиб, эволюция натижасида ўз наслини асраш инстинктига эга эканлиги яна бир бор аён бўлганлиги аниқланган.

Фарғона водийсидаги мавжуд боғларда жиддий зарар келтираётган кулранг куртак узунбурунининг биологиясини ўрганиш мақсадида дарахт шохларини

энтмологик мато билан ўраб, ичига 20 – 30 донадан зараркунанда солинган, ҳамда кунлик кузатувлар олиб борилганда 2 – 3 кундан сўнг ҳашаротларнинг нобуд бўлганлиги кузатилган.

Адабиётларда зараркунанда кундузи озикланиб, тунда тупроққа тушиши кайд этилган. Бу зараркунанда водий шароитида 15 – 20-апрелда қишловдан чиқиши ҳамда 20-майгача мевали дарахтларга кучли зарар келтириши кузатилган. 2020 – 2022-йилларнинг ушбу даврида, яъни апрел ойининг 2 – декадасида ҳаво ҳарорати ўртача 14 – 21⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 53 – 68%, апрел ойининг 3 – декадасида ҳаво ҳарорати ўртача 20 - 22⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 54-64%, май ойининг 1-декадасида ҳаво ҳарорати ўртача 21 – 24⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 54 – 59%, май ойининг 2 – декадасида ҳаво ҳарорати ўртача 20 – 23⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 49 – 61%ни ташкил этганлиги келтирилган (метеостанция маълумоти). Май ойининг 3-декадасидан бошлаб ҳаво ҳарорати кўтарилиб, ўртача 25 – 27⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги эса пасайиб, яъни ўртача 43 – 45% ташкил этгандан сўнг ушбу зараркунандани боғда учратиш қийин бўлганлиги кузатилган. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Фарғона водийси шароитида кулранг куртак узунбурунининг ривожланиши учун оптимал ҳаво ҳарорати ўртача 20 – 25⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги ўртача 50 – 68% ни ташкил этганда деган хулосага келинган.

Фарғона водийси шароитида гилос пашшасининг фенологик ривожланишини ўрганиш учун 2020 – 2022-йилда “Бутунроссия ўсимликлар карантини илмий маркази” энтмолог ва кимёгар олимлари томонидан синтез қилинган гилос пашшаси имаголарига қарши 3 хил вариантдаги озуқавий тутқичларни ҳамда Италиянинг “Sigmaitaly” компанияси томонидан тавсия этилган 1 турдаги жинсий феромон тутқичларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвал

Гилос пашшасига қарши курашда турли тутқичардан фойдаланиш

Фарғона водийси вилоятлари (2020-2022 йй.)

№	Зараркунанда номи	1-вариант Озуқавий тутқич “ВНИИКР”	2-вариант Озуқавий тутқич “ВНИИКР”	3-вариант Озуқавий тутқич “ВНИИКР”	4-вариант Жинсий феромон “Sigmaitaly”
1.	Гирдак куяси	+			
2.	Шарқ мевахўри			+	+
3.	Оддий олтинкўз			+	+
4.	Сирфидлар ёки гўнг пашшалари		+		
5.	Саркофагидлар ёки кулранг гўшт пашшалари	+		+	+
6.	Тахин пашшалари		+		

Тадқиқотлар 10 – 14-апрел кунлари 4 та вариантда озуқавий ва феромон тутқичлар Фарғона водийсининг 5 та ҳудудида гилос боғларига ўрнатилган. Тутқичларнинг махсус елимлари ҳар 10 кунда янгисига алмаштирилиб турилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, озуқавий ва жинсий феромон

тутқичларнинг ҳеч бирига гилос пашшасининг имаголари илинмаган, аммо бошқа турдаги зараркунандалар ва энтомофаглар тушганлиги қайд этилган.


Олча шиллиқ арракашининг Фарғона водийси шароитида мониторинг қилишда бир мунча қийинчиликлар бўлиб, урғочилари уруғланмаган тухум қўйиши сабабли жинсий феромонлардан, қўшимча озикланмаганлиги сабабли эса озучавий тутқичлардан фойлананишнинг имкони мавжуд эмас.

Фарғона водийси иқлим шароитларига қараб олча шиллиқ арракаши 2 – 3 авлод бериши яъни 2020 – 2021-йилларда 3 та авлод, 2022-йили эса ёз мавсуми йиллик ҳароратларга нисбатан анча юқори ва намлик камлиги сабабли 2 та авлод бериб ривожланганлиги қайд этилган. Биринчи авлод имаголарининг тупрокдан чиқиш муддатлари Фарғона водийси шароитида апрел ойининг 3 – декадасидан, май ойининг 1 – декадасигача бўлган муддатларни ўз ичига олган. Дастлабки личинкалари май ойининг 1 – декадасида пайдо бўлган бўлса, зараркунанданинг ёппасига зарар келтириш муддати май ойининг 2 – декадасига тўғри келиши ўрганилган. Зараркунанданинг 2 – 3 авлод личинкалари зарари деярли сезилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Гилос зараркунандалари сонини бошқаришнинг илмий асослари» деб номланган тўртинчи бобида гилос агробиоценозидаги зараркунандаларининг табиий энтомофагларининг турлари ва учраш даражаси, гилос зараркунандаларига қарши микробиологик воситалардан фойдаланиш имкониятлари, зараркунандаларга қарши кимёвий воситаларни қўллаш регламентларини белгилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Фарғона водийси вилоятларида 2020 – 2022-йилларда гилос зараркунандалари ва энтомофагларининг тур таркибини ўрганиш бўйича йўналишли кузатувлар олиб борилган ҳамда тўпланган маълумотлар таҳлили натижасида 2 та синф, 7 та туркумга мансуб, 48 турдаги энтомофаглар аниқланган.

Гилос агробиоценозида энг кенг тарқалган туркум Иккиқанотлилар (*Diptera*) туркуми бўлиб, ушбу туркумга мансуб 13 турдаги энтомофаглар учраши кузатилган. Шунингдек, Ўргимчаклар (*Arenae*) туркумига мансуб 10 турдаги ўргимчаклар, Қаттиққанотлилар (*Coleoptera*) туркумига мансуб 7 турдаги, Пардақанотлилар (*Hymenoptera*) туркумига мансуб 7 турдаги энтомофаглар кенг тарқалганлиги ўрганилди. Булар ичида аҳамияти жиҳатидан Кокцинеллидлар (*Coccinellidae*) оиласи вакиллари бўлиб, ушбу оилага мансуб етти нуқтали, икки нуқтали хонқизи, икки нуқтали ва буйраксимон хилокорус кабилар, Ўргимчаксимонлар (*Arachnida*) синфи, Ўргимчаклар (*Aranei*) туркуми, Ёнбошлаб юрувчи ўргамчаклар (*Thomisidae*) оиласи, Филодромид ўргимчаклар (*Philodromidae* sp.) оиласи вакиллари, Тўрқанотлилар (*Neuroptera*) туркуми Олтинқўзлар (*Chrysopidae*) оиласи вакиллари, Пардақанотлилар (*Hymenoptera*) туркуми, Трихограммалар (*Trichogrammatidae*) оиласи вакиллари учраш даражаси юқори эканлиги қайд этилди ҳамда ушбу энтомофаглар гилос зараркунандалари миқдорини маълум даражада камайишида аҳамиятли эканлиги кузатилди (3 – расм).



3-расм. Фарғона водийси шароитида гилос зараркунандалари энтомофаглариининг тур таркиби. (Фарғона водийси вилоятлари, 2020 – 2022 йй.).

Ўзбекистон шароитида илк мартаба олча шиллик арракаши личинкаларига қарши экологик хавфсиз кураш тизимига имконият яратиш мақсадида “Kenya Biologics Ltd.” компанияси томонидан ишлаб чиқилган Helitec (сус.к.) микробиологик препаратини Фарғона водийси вилоятларида лаборатория ҳамда дала шароитларида биологик самарасини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилган. Helitec (сус.к.) биопрепаратининг ҳар бир литр эритмаси таркибида 5×10^{12} полиэдроз (NPV) сақловчи восита бўлиб, бакуловирлар оиласига мансуб полиэдрозлар кенжа синфига оид вирусдир.

Тажриба лаборатория шароитида 3 вариант, 4 қайтариқда ўтказилган. Ҳар бир вариантда 30 та, яъни ҳар бир қайтариқда 10 тадан соғлом олча шиллик арракаши личинкалари махсус идишларга солинган. Тажрибани ўтказиш учун $35 \times 15 \times 15$ ўлчамли пластик идиш олиниб, идиш тубига 5 см қалинликда тажрибадаги боғ тупроғи солинган. Ҳаво ҳарорати бир меъёрда, ўртача 25°C , ҳавонинг нисбий намлигини эса 60-65 % да ушлаб турилган.

Тажрибадан сўнг ҳисоб кузатувларини 24 соатдан кейин олиб борилганда личинкалар озикланиш ва ҳаракатдан бутунлай тўхтаганлиги ва уларнинг 20% нобуд бўлганлиги кузатилган, 72 соатдан кейин эса олча шиллик арракаши личинкаларининг ранги сарғиш жигарранг тусга кирганлиги ва биологик самарадорлик 80,0%, 5 кунда эса личинкаларнинг 100% нобуд бўлганлиги ва уларнинг ранги аввал сарғайиб, кейин қорамтир тусга кирганлиги, яъни вирус таъсирида нобуд бўлиш белгиларига хос бўлганлиги қайд этилган. Лаборатория шароитида биопрепаратнинг самарадорлиги ўртача 95,7–99,8% ни ташкил этган.

Лаборатория шароитида юқори биологик самарадорлик қайд этилганлиги сабабли препарат 3 вариант, 4 қайтариқда дала синовидан ўтказилган (2– жадвал).

Гилосда олча шиллик арракашига қарши синалган Helitec микробиологик препаратининг биологик самарадорлиги (2020-2022 йй. май).

№	Вариантлар	Биопрепарат сарфи л/га	Ишловга қадар личинкалар сони	Самарадорлик кунлар бўйича			
				1	3	5	7
Дала тажрибаси. Андижон вилояти. Пахтабод ва Избоскан туманлари аҳоли томорқа хўжалиги, 1000 л/га							
1	Helitec	0,4	45,8	13,54	59,17	70,31	81,66
2	Helitec	0,5	39,8	15,83	61,81	79,65	84,42
3	Ишловсиз	-	46,2	-	-	-	-
Дала тажрибаси. Наманган вилояти. Тўрақўргон тумани аҳоли томорқа хўжалиги, 1000 л/га							
1	Helitec	0,4	36,1	11,08	54,85	69,25	80,06
2	Helitec	0,5	38,5	13,51	61,82	76,88	83,64
3	Ишловсиз	-	42,3	-	-	-	-
Дала тажрибаси. Фарғона вилояти. Қува тумани аҳоли томорқа хўжалиги, 1000 л/га							
1	Helitec	0,4	38,6	13,21	58,81	69,69	81,35
2	Helitec	0,5	41,3	16,22	62,47	80,39	84,99
3	Ишловсиз	-	43,7	-	-	-	-


Препаратнинг биологик самарадорлиги Андижон вилоятида 81,7 – 84,5% ни, Наманган вилоятида 80,1 – 83,7% ни, Фарғона вилоятида 81,4 – 85,0% ни ташкил этганлиги кузатилган.

Бундан хулоса шуки, микробиологик препарат май ойининг биринчи декадасида қўлланилганда ҳавонинг ҳарорати ўртача 20 – 25⁰С ва нисбий намлик 50 – 60% ни ташкил этганлиги сабабли, бу давр микробиологик препаратларни қўллаш учун қулай давр эканлиги қайд этилган. Дала тажрибаларида препарат билан ишлов берилгандан сўнг 7 – куни кузатилганда личинкалар қорамтир тусга кирганлиги ва барг пластинкасига тескари ҳолда ўгирилиб, нобуд бўлганлиги кузатилган. Дала шароитида биологик самарадорлик 80,1% дан 85,0% гачани ташкил этган ҳамда тажриба натижаларига кўра келгусида экологик хавфсиз маҳсулот олиш учун ушбу биопрепаратни олча шиллик арракашига қўллашга тавсия этилган.

Шунингдек, олча шиллик арракаши ва гилосдаги бошқа зараркунандаларга қарши Escape 20% н.кук. (ацетамиприд), Нурелл Экстра (Хлорприфос 50%+циперметрин 5%, 1л/га), Карат Голд, 5% эм.к. (лямбда-цигалотрин), Днокс (имидакlorид 20% + триадимефон 20%), Нурелл Голд (Хлорприфос 50%+циперметрин 5%) кимёвий препаратлардан фойдаланилганда вариантлардан ўртача 94,1 – 99,8% гача биологик самарадорликка эришилган ҳамда бу вариантларда кейинчалик иккинчи ва учинчи авлод личинкалари пайдо бўлмаганлиги қайд этилган (4 – расм).

Аммо Апроклеим Голд препарати билан ишлов берилган вариантда эса биринчи авлод личинкаларига қарши 69,2 – 76,8% биологик самарадорликка эришилган бўлса-да, кейинчалик олча шиллик арракашининг 2 – 3 авлод

личинкалари зарар келтирганлиги қайд этилган. Худди шундай ҳолат кимёвий ишлов берилмаган назорат вариантыда ҳам кузатилган (4 – расм).



4-расм. Гилосда олча шиллик арракашига қарши синалган препаратларнинг биологик самарадорлиги. (1000 л/га. 2020 - 2022 йй. Апрель-май.)

2022-йил, ЎЗР ФА О.С.Содиқов номидаги Биорганик кимё институти олимлари билан биргаликда тажрибадаги гилос меваси намуналари таҳлил қилинганда, гилос ҳосили пишишидан 18 – 20 кун олдин Нурелл экстра, 55% (эм.к. – 0,7 л/га сарф – меъёрида) кимёвий препарати билан ишлов берилганда мева таркибидаги пестицид қолдиқлари қолмасдан парчаланиб кетиши ҳамда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича аҳоли саломатлигига таъсири йўқлиги, гилос маҳсулотларини экспорт қилишда қўйиладиган маҳсус талабларга мос келишлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларда қўлланилган усул ва воситаларнинг ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида 2020 – 2022-йиллар давомида олиб борган тадқиқотларнинг вариантлар кесимида иқтисодий самарадорлиги баён этилган.

Олча шиллик арракашига қарши Helitec микробиологик препаратини 0,5 л/га сарф – меъёрда қўлланилган вариантда сақлаб қолинган ҳосил 5,55 ц.ни, сарфланган бир сўмнинг оқланиши 9,8 мартани, химоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги) 980% ни ташкил этган. 0,4 л/га сарф – меъёрда қўлланилган вариантда сақлаб қолинган ҳосил 3,7 ц.ни, сарфланган бир сўмнинг оқланиши 9,4 мартани, химоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги) 940% ни ташкил этган.

Гилосдаги олча шиллик арракаши ҳамда гилоснинг бошқа зараркунандаларини ҳам ҳисобга олиб қўлланилган кимёвий препаратлар Нурелл голд 55% эм.к. – 0,1 л/га, Escape 20% н.кук, Днокс 40% н.кук. – 0,4 л/га, Карат Голд 5% эм.к. – 0,6 л/га, Апроклеим голд 0,3 кг/га, Нурелл Экстра 55% эм.к. – 1,0 – 0,8 – 0,7 л/га препаратлари қўлланилган

вариантларда ҳар 1 гектар боғдан ўртача 45,6 ц дан 57,2 ц гача ҳосил олинди. Шундай қилиб, тажриба майдонларида ҳосилдорлик 1 гектар боғдан назоратга нисбатан Нурелл голд 55% эм.к. – 0,1 л/га қўлланган вариантда 10,10 ц.ни, Escape 20% н.кук вариантыда 11,20 ц.ни, Днокс 40% н.кук. – 0,4 л/га қўлланилган вариантда 7,5 ц.ни, Карат Голд 5% эм.к.-0,6 л/га вариантыда 8,7 ц.ни, Апроклеим голд 0,3 кг/га вариантыда 0,67 ц.ни, Нурелл Экстра 55% эм.к. –1,0 л/га сарф – меъёрда қўлланилган вариантда 12,20 ц.ни, ушбу препаратни – 0,8 л/га қўлланилганда 11,80 ц.ни ҳамда ушбу препаратни – 0,7 л/га сарф-меъёрда қўлланилган вариантда 11,0 ц.ни ташкил этди.

Тажриба вариантларида назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 1 085 000 – 25 921 000 сўм/га.ни, сарфланган бир сўмнинг оқланиши, 9,8 – 11,1 мартани, химоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги) 980 – 1110 % ни ташкил этган. Тажриба таҳлили натижаларига кўра Нурелл экстра 55% эм.к. препарати (0,7 л/га сарф – меъёрда) қўлланилганда биологик, хўжалик ва иқтисодий томондан аъло деб баҳоланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Фарғона водийси шароитида гилос агробิโอценозида жами 2 та синф, 7 та туркум ва 17 та оилага мансуб 22 турдаги зараркунандалар учраши қайд этилди.

2. Гилоснинг доминант зараркунандалари сифатида олча шиллик арракаши (*C.cerasi* L.), кулранг куртак узунбуруни (*S. squalidus* Gyll.) ҳамда оддий ўргимчакканалар (*T. urticae*) деб белгиланди. Шунингдек, Фарғона вилоятининг Фарғона туманида, Андижон вилоятининг Жалақудук, Булоқбоши, Хўжаобод туманларининг чегара ҳудудларида боғдорчилик ҳамда аҳоли томорқа хўжаликларида гилоснинг хавфли карантин зараркунандаси гилос пашшасининг зарари қисман қайд этилди. Аниқланган Кулранг куртак узунбуруни Фарғона водийси шароитида илк бор боғ зараркунандаси сифатида қайд этилди.

3. Фарғона водийси шароитида кулранг куртак узунбуруни ҳамда олча шиллик арракашининг гилос боғларида зарари юқори бўлиб, бу зараркунандалар мева сифатига ҳамда унинг таркибидаги қанд миқдорига, сақлаш муддатини қисқаришига жиддий таъсир кўрсатиши аниқланди. Олча шиллик арракашининг қишловдан чиқиш муддатлари тупроқ намлигига бевосита боғлиқ эканлиги, яъни боғ тупроғининг намлиги етарли даражада бўлган (кўп суғорилган) майдонларда олча шиллик арракаши имаголари намлик кам бўлган ҳудудга нисбатан эрта муддатларда пайдо бўлиши ўрганилди.

4. Гилос пашшасининг қишловдан чиқиш муддатларини ҳамда фенологик ривожланишини ўрганиш бўйича 3 хил вариантдаги озуқавий ҳамда 1 та вариантдаги жинсий феромон тутқичларидан фойдаланиб олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра тутқичларда гилос пашшасининг имаголари тушмаслиги ўрганилди.

5. Фарғона водийси иқлим шароитларига қараб олча шиллик арракаши 2-3 та авлод бериши (2020 – 2021-йилларда 3 та авлод, 2022 йилда эса 2 та авлод бериб ривожланди) илмий тадқиқотларимизда ўз исботини топди.

6. Фарғона водийси вилоятларида 2020 – 2022-йилларда гилос

зараркунандаларига қарши боғларда мавжуд энтомофаглар ўрганилганда 2 та синф, 7 та туркумга мансуб 48 турдаги энтомофаглар аниқланди.

7. Олча шиллиқ арракаши личинкаларига қарши Helitec (сус.к.) микробиологик препарати лаборатория шароитида юқори 95,7–99,8% самарадорликка, дала тажрибасида эса ишлов берилганда 7 кундан кейин 80,1 – 85,0 % биологик самарадорликка эришилди.

8. Олча шиллиқ арракашига қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг қўллаш регламентларини белгилаш бўйича тажриба натижаларига кўра Escape 20% н.кук. – 0,3 кг/га, Нурелл Экстра 55% эмк. – 0,7 – 0,8 – 1,0 л/га, Карат Голд, 5% эм.к. – 0,6 л/га, Днокс, 40% н.кук – 0,4 кг/га, Нурелл Голд 55% эм.к. – 1,0 л/га сарф – меъёрларида ўртача 94,1 – 99,8% гача биологик самарадорликка эришилди. Шунингдек, Апроклеим Голд, 17,5% с.д.г. – 0,3 препарати билан ишлов берилган вариантда қониқарсиз натижа қайд этилган бўлиб, ушбу гуруҳга мансуб препаратларни олча шиллиқ арракашига қарши қўллаш қониқарсиз кураш чораси эканлигини кўрсатди.

9. Олча шиллиқ арракашига ҳамда гилоснинг бошқа зараркунандаларига қарши қўлланилган микробиологик ва турли кимёвий гуруҳларга мансуб препаратлар билан ишловлар ўтказилган вариантларда сақлаб қолинган ҳосил назоратга нисбатан Helitec – 0,5 л/га – 5,55 ц/га, Helitec – 0,4 л/га – 3,7 ц/га, Нурелл голд 55% эм.к. – 1,0 л/га – 10,10 ц.ни, Escape 20% н. кук. 0,3 кг/га – 11,2 ц.ни, Днокс 20% н.кук. – 0,4 кг/га 7,5 ц/га, Карат Голд эм.к. – 0,6 га 8,7 ц/га Нурелл Экстра – 1,0 л/га, 0,8 л/га, 0,7 л/га сарф – меъёрда қўлланилган вариантларда 11,0 – 12,2 ц/гача ҳосил сақлаб қолинди. Тажриба вариантларида сарфланган бир сўм оқланиши 9,8 – 11,1 мартани, химоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги) ўртача 980 – 1110% ни ташкил қилди.

10. а) гилосдаги олча шиллиқ арракаши личинкаларига қарши Helitec микробиологик препаратининг 0,5 л/га сарф-меъёрда зараркунанда иқтисодий зарар микдор мезони (ИЗММ)дан ошмаган вақтда ҳосил пишишидан олдин ва пишиган вақтларда қўллаш тавсия этилади.

в) гилосдаги олча шиллиқ арракаши ва бошқа зараркунандалар ИЗММ дан ошганда уларга қарши Нурелл экстра препаратини ҳосил пишишидан камида 18 – 20 кун олдин гектарига 0,7 л/га сарф – меъёрда кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

ХОЛМИРЗАЕВА ЗУЛЬФИЗАРХАН БАХАДИРЖОНОВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ОСНОВНЫХ ВРЕДИТЕЛЕЙ ЧЕРЕШНИ В УСЛОВИЯХ
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ ИХ
ЧИСЛЕННОСТЬЮ**

06.01.09 – «Защита растений»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Андижан - 2023

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером №В2020.4.PhD/Qx678.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.andqjai.uz) и информационно-образовательном портале «ziyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Туфлиев Нодирбек Хушвактович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Шукуров Хушвакт Мамасолиевич
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник.

Ведущая организация: Тошкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «14» 10 2023 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологии Адрес: 170600, Андижанский район, городок Куйган ёр, улица Олийгох, 1. Тел: (+99874) 373-10-54, факс (99874) 373-13-63, e-mail: agai@edu.uz. Административное здание Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, (зал заседаний).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии (зарегистрировано под номером 6292/1) Адрес: 170600. г. Андижан, ул. Олийгох, дом-1, Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99874 373-10-54.)

Автореферат диссертации разослан «29» 09 2023 года.
(реестр протокола рассылки номер № 27 от «29» 09 2023 года).



Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор **А.Исаилов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н. (PhD) доцент. **А.Н.Жураев**

Председатель научного семинара при информационном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор. **К.С.Комилов**

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире выращиванию черешни и ее защите от вредных организмов уделяется особое внимание. “Черешня выращивается в 65 странах мира и урожай составляет в среднем 9 миллионов тонн. В среднем в год только в Турции выращивается 800-915 тысяч тонн, США в среднем 448 тысяч тонн, Россия и Иран занимают 3-е и 4-е места в мире по выращиванию черешни, здесь ежегодно выращивается в среднем 273 и 250 тонн черешни”³. “Узбекистан занимает 5-е место, и по данным ФАО у нас ежегодно выращивается в среднем 218 тысяч тонн черешни”⁴. Как известно, по причине богатого содержания черешни полезными элементами и витаминами для здоровья человека, каждым годом увеличивается спрос на него не только в странах не выращивающих черешни, но и в странах где мало выращивается черешня. Это позволяет выращивать черешню не только во внутреннем рынке, но и для экспорта. Однако, надо учесть тот факт, что при выращивании качественного для экспорта черешни надо будет во время организовать работы по выявлению и уничтожению ряд вредителей, которые причинят значительный урон урожаю. В настоящее время совершенствование и разработка мер борьбы с вредителями черешни, менее вредных для человека и окружающей среды является одной из актуальных проблем.

В мире, в ведущих странах по выращиванию черешни несколько видов вредителей оказывают отрицательное влияние на урожайность черешни, что приводит к потере вкусовых качеств черешни и получению низкого урожая, неся большой экономический вред. Некоторые из наиболее опасных вредителей черешневого агробиоценоза, такие как вишневая муха, вишнёвый слизистый пилильщик, серый почковый долгоносик, вишнёвый слоник, наносят ущерб в больших масштабах, и научные исследования, направленные на определение оптимальных сроков и норм борьбы с ними считается важным.

В настоящее время в нашей республике проводится ряд мероприятий, направленных на выращивание конкурентоспособных плодов черешни в соответствии с мировыми стандартами и повышение их качества. При обеспечении выполнения задач поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № 5009 от 26 февраля 2021 года «О мерах по реализации задач, поставленных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы в 2021 году» считается важным исходя из условий нашего региона проведение научных исследований по совершенствованию мероприятий по борьбе с вредителями и болезнями в садоводстве нашей республики.

Данная диссертационная работа определенной мере служит для реализации задач определенных в Указе Президента от 15 июля 2021 г. № УП-5185 «О создании Агентства по карантину и защите растений

³ <https://www.mdpi.com/2073-4395/12/9/1986>

⁴ <https://www.fao.org/faostat/en/#data/QCL>

